

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Магистратура бўлими

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

Кўл ёзма ҳуқуқида
УДК

БАҚОЕВ АЗИМЖОН ХАКИМОВИЧ

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни монетар
сиёсати ва халқаро андозалари
(“Ипак йўли” ОАИТБанки мисолида)”

Мутахасислик: 5А340700 – Банк иши

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., Ҳайдаров З.Ш.

Самарқанд - 2014 йил

Аннотация

Ушбу магистрлик диссертация мавзуси долзарлиги билан аҳамиятли. Мавзуда монетар сиёсатнинг моҳияти, мазмуни, методологик асослари, халқаро андозалар бўйича йўналишлари тадқиқ қилинган, халқаро андозалар асосида таҳлил қилинган, истиқболларни илмий ва амалий нуқтаи назардан аниқлаб берилган. Иқтисодиёт фанларида мавжуд услубият ва ёндашув асосида тадқиқот олиб борилган ва илмийлик жиҳатдан фарқланиб туради.

Диссертация тадқиқот натижалари Марказий ва тижорат банклар ходимлари, лицей, коллеж ва институтларни банк иши мутахассислари бўйича илмий ходимлари, ўқитувчилари, ўқувчилари, бакалаврият ва магистратура талабалари ўз ўқув ва илмий фаолиятида фойдаланиши мумкин.

Annotation

Given master's dissertation topic is important for its actuality. In the topic, the importance, content, methodological bases, spheres according to international trends of monetary policy have been researched, analyzed based on international experience, prosperity has been identified as for as scientific and practical points of view are concerned. Research has been conducted based on methodology and approach existing in economical sciences, and it differs regarding science.

The results of dissertation research can be used by the staff of Central and commercial banks, the scientific staff of banking in lyceum, college and institutions teachers, pupil, students of bachelor and master degrees for their education and scientific work.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. МОНЕТАР СИЁСАТНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Монетар сиёсатнинг моҳияти, мазмуни ва вазифалари.....	8
1.2. Монетар сиёсатнинг методологик асослари.....	14
1.3. Марказий банк ва иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш.....	30
1.4. Марказий банкнинг валюта сиёсатини йўналишлари.....	39
I-боб бўйича хулоса.....	50
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКНИ МОНЕТАР СИЁСАТНИ ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР АСОСИДА ТАҲЛИЛИ	
2.1. Монетар сиёсатни йўналишларни ва кўрсаткичларни тавсифи.....	53
2.2. Марказий банкни монетар сиёсатини асосий кўрсаткичларни таҳлили.....	60
2.3. Марказий банк монетар сиёсатини халқаро андозалар бўйича истиқболлари.....	93
II-боб бўйича хулоса.....	105
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКНИ МОНЕТАР СИЁСАТИНИ ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
3.1. Марказий банкни пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари.....	107
3.2. Марказий банкнинг валюта сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари.....	126
III-боб бўйича хулоса.....	136
ХУЛОСА	140
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	145

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини барқарорлаштириш доимо иқтисодиётни кризис ҳолатидан кутқаришнинг энг долзарб шартларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий кризислар эса турли мамлакатларда ўзининг кулами турлича бўлими билан бирга мамлакатнинг молия, пул кредит тизимига чуқур таъсир кўрсатади. Шундай экан, молия пул-кредит тизими ва сиёсатларининг такомиллашиб бориши мамлакат иқтисодий ҳаётининг муҳим буғини бўлиб қолади. Айниқса иқтисодий глобаллашув, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграллашувининг ўсиб бориши шароитида пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш масаласи эътиборли аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси президенти И. А. Каримов айтганидек “Пул зарб этиш уни муомалага киритиш қийин иш эмас. Энг муҳими унинг кейинги тақдирidir”. Шунинг учун ҳам бугунги кунда пул муомаласининг муомалалари иқтисодчи олимлар орасида тез-тез тортишувлар, баҳслашишлар, илмий конференция ва симпозиумлар ўтказиш объекти ҳисобланмоқда.

Пул муомаласини барқарорлаштириш иқтисодиётнинг соғломлаштиришнинг асосий олимларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги замон пул-кредит сиёсатининг институционал асосини бозор механизми ташкил этади. Бозор тизимида кредит ресурслари бозори ва пул бозорининг иқтисодиётни мувофиқлаштиришдаги роли беқиёсдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида икки поғонали банк тизимининг ташкил этилиши ва қонун асосида Марказий банкка пул муомаласини мувофиқлаштириш вазифасининг юклатилиши Марказий банк томонидан ушбу мақсадга эришиш учун мустақил равишда пул-кредит сиёсатининг юргизишини талаб қилади. Пул-кредит орқали мувофиқлаштиришдан асосий мақсад мамлакат пул бирлиги кадрсизланишини олдини олишдан иборат. Пул бирлиги қадрини таъминлаш эса пул муомаласини

тартибга солиш, муомаладаги пул массасини бошқариш билан амалга оширилади. Муомаладаги пул массасини унинг нақд пулга айланиш имкониятларини инобатга олган ҳолда пул агрегатларига ажратиш ва уларни иқтисодиётнинг ҳолатига мос равишда бошқариш талаб этилади. Муомаладаги пул массасини иқтисодиётнинг ўсиш ёки таназзул ҳолатига мувофиқлаштириш эса пул-кредит сиёсатлари инструментларидан фойдаланишни тақозо этади. Пул-кредит инструментлари орқали пул бозорида пулнинг таклифи, талаби ёки унинг баҳосига таъсир кўрсатилади. Бошқача қилиб айтганда, пул бозорида “арзон” ёки “қиммат” пулларни ташкил этиш орқали муомаладаги пул массаси иқтисодиётнинг ҳолатига мувофиқлаштирилади. Ҳозирги вақтда Марказий банклар пул-кредит сиёсатининг дисконт ёки қайта молиялаштириш, очик бозордаги операциялар, мажбурий резерв нормаси, валюта сиёсати ва бошқа инструментлардан кенг фойдаланилади. Ушбу инструментларнинг бири ёки бир нечтаси танлаб фойдаланиш, уларнинг самарадорлик даражасига боғлиқ.

“2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26 ноябрдаги ПҚ – 1438 рақамли қарори асосида “Базел қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган ... банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган янада юксакроқ баҳолаш кўрсаткичлари даражасига чиқиш йўлидан олға силжиб боришини холисона баҳолаш ..., бутун молия – банк тизимини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш”ни таъкидлаб ўтканлиги тадқиқот ўтказилган мавзунини долзарблигига яққол далолат беради.

Хуллас, монетар сиёсати ва унинг халқаро андозалари орқали иқтисодиётни мувофиқлаштириш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим

аҳамият касб этади ва у иқтисодиётни бошқаришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Магистрлик диссертациянинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг монетар сиёсатининг халқаро андозалар йўналишлари ва истиқлоллари бўйича илмий мулоҳазалар таклифлар ва амалий тавсиялардан иборатдир.

Магистрлик диссертациянинг вазифалари:

1. Монетар сиёсатининг моҳияти, мазмуни, методологик асослари, халқаро андозалар бўйича йўналишларни тадқиқ қилиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсатининг халқаро андозалар асосида таҳлил қилиш ва истиқболларни аниқлаб бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк монетар сиёсатини халқаро андозалар бўйича йўналишлари ва халқаро андозаларга ёндашувларни истиқболларни илмий ва амалий нуқтаи назардан аниқлаб бериш.

Магистрлик диссертация объекти: Ўзбекистон Республикаси Марказий банк

Магистрлик диссертацияни предмети: Ўзбекистон Республикаси Марказий банк монетар сиёсатини халқаро андозалар асосида йўналишлари ва истиқболлари.

Химояга олиб чиқилган асосий ҳолатлар:

1. Монетар сиёсатни моҳияти, мазмуни, методологик асослари ва халқаро андозалар бўйича йўналишларини тадқиқ қилиш, илмий тавсиялар бериш ва хулосаларни шакллантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк монетар сиёсатини халқаро андозалар асосида таҳлил қилиш ва истиқболларни тадқиқ қилиш, хулосалар бериш, илмий ва аниқ тавсияларни шакллантириш.

3. Ўзбекистон республикаси Марказий банк сиёсатини халқаро андозалар бўйича йўналишларини, халқаро андозаларга ёндашувларни илмий ва амалий нуқтаи назардан аниқлаб бериш.

Магистрлик диссертацияни тадқиқот натижалари бўйича янгиликлар:

1. Монетар сиёсатни моҳияти, мазмуни, методологик асослари ва халқаро андозалар бўйича тадқиқот ўтказиб бир қатор илмий тавсиялар, мулоҳазалар ва хулосаларни шакллантирилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк монетар сиёсатининг халқаро андозалар билан қиёслаб таҳлил ўтказилган ва истиқболларни аниқлаб берилган, мулоҳаза қилинган ва бир қатор амалий таклифлар ва тавсиялар берилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк монетар сиёсатининг халқаро андозалар бўйича йўналишларини, халқаро андозаларга ёндашувларни республика иқтисодиётини кучли ва кучсиз томонларини инобатга олинган ҳолда бир қатор амалий таклифлар, мулоҳазалар ва тавсиялар берилган.

Магистрлик диссертация тадқиқот натижаларни амалга жорий этиш:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк амалиётга жорий этиш мумкин. Ушбу мавзу бўйича республика илмий – амалий анжуманида икта мақола берилган ва ўз мулоҳазалари бўйича анжуман қатнашчилар олдида чиқиш қилинган.

Магистрлик диссертация таркиби кириш, 3-та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топилган.

Киришда мавзуни долзарблигини асосланиб берилган.

Биринчи бобда, монетар сиёсатнинг назарий асослари, яъни монетар сиёсатнинг моҳияти, мазмуни ва вазифалари, монетар сиёсатни методологии асослари, монетар сиёсатни халқаро андозалар бўйича йўналишлари ва инструментларини ёритиб берилган.

Иккинчи бобда, монетар сиёсатни кўрсатгичларини тавсифи, Ўзбекистон республикаси Марказий банкни монетар сиёсатни халқаро андозалар асосида таҳлили, яъни монетар сиёсатни таҳлилинини кўрсатилган ва монетар сиёсатни халқаро андозалар бўйича истиқболларини аниқлаб берилган.

Учинчи бобда, Ўзбекистон республикаси Марказий банкни монетар сиёсатни халқаро андозалар, бўйича йўналишлари ва ёндашувлари тўғрисида мулоҳазалар ва таклифлар берилган.

Хулоса қисмида ушбу мавзу бўйича хулосалар, илмий таклифлар ва амалий тавсиялар берилган.

I-БОБ. МОНЕТАР СИЁСАТНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Монетар сиёсатнинг моҳияти, мазмуни ва вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини барқарорлаштириш доимо иқтисодиётни кризис ҳолатидан қутқаришнинг энг долзарб шартларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий кризислар эса турли мамлакатларда ўзининг кулами турлича бўлими билан бирга мамлакатнинг молия, пул кредит тизимига чуқур таъсир кўрсатади. Шундай экан, молия пул-кредит тизими ва сиёсатларининг такомиллашиб бориши мамлакат иқтисодий ҳаётининг муҳим бугини бўлиб қолади. Айниқса иқтисодий глобаллашув, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграллашувининг ўсиб бориши шароитида пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш масаласи эътиборли аҳамият касб этади.

Пул муомаласини илмий асосланган равишда бошқаришни зарурлиги:

1. Пул муомаласини барқарорлигини (қадрини) таъминлаш (пулни харид қилиш қуввати). Инфляция жараёнини жиловлаш.
2. Иқтисодиётни мунтазам (барқарор) ўсишини таъминлаш.
3. Аҳолини бандлигини таъминлаш.
4. Товарлар, хизматлар нархларини асоссиз ўсишини кескин чеклаш.
5. Мамлакатни тўлов балансининг ҳолатини яхшилаш.

Монетар сиёсат тушунчасини таърифи: Пул муомаласини (ҳаракати , айланиши) бошқариш билан боғлиқ қабул қилинган қоидалар, усуллар, тамойиллар, чора –тадбирлар мажмуасидир.

Монетар сиёсатнинг элементлари:

- Институционал асоси – молия бозор тизими;
- Субъекти – Марказий банк;
- Объекти - пул бозордаги талаб ва таклиф (натижаси фоиз нормаси)
- Натижаси – иқтисодиётни ўсиши, аҳолини бандлик даражаси, инфляция даражаси ва нарх наво даражаси

Монетар сиёсат билан боғлиқ тушунчалар (категориялар):

Молия системасининг бозори икки турга бўлинади:

1. Кредит бозори
2. Молия бозори

1. Кредит бозори икки қисмдан иборат:

1.1. Кредит ресурслар бозори

1.2. Пул бозори

1.1. Кредит ресурслар бозорини элементлари:

- ❖ Субъекти – тижорат банклари, юридик ва жисмоний шахслар
- ❖ Обьекти – банклар ва банклараро кредит (депозит) ресурслари.
- ❖ Натижаси – банкларнинг ликвидлигини доимий равишда ушлаб туриш (яъни банкларни актив ва пассив операциялари ўртасида мувозанатни таъминлаш) ва фоиз даражаси..

1.2. Пул бозорини хусусиятлари (фарқланувчи элементлари)

қуйидагилардан иборат:

1. Бозор субъектлари:

- ◆ Банклар;
- ◆ Корхоналар;
- ◆ Ташкилотлар;
- ◆ Муассасалар;
- ◆ Биржалар;
- ◆ Суғурта компаниялари;
- ◆ Кредит уюшмалар;
- ◆ Пенсия фондлар;
- ◆ Инвестицион компаниялар ва бошқалар.

2. Бозор объекти – пул (бозордаги пул талаби ва таклифи)

3. Бозор натижаси – пул баҳоси, яъни вужудга келган валютани курси, фоиз даражаси.

Пул муомаласини икки қисмдан (элементларидан) иборат:

- Нақд пуллар айланиши;
- Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар (пулсиз айланишлар).

2. Молия бозорини элементлари қуйидагилар:

- Субъекти – банк молиявий воситачи сифатида (пул ресурсларини олади кейин сотади, юридик жисмоний шахсларга);
- Объектлари – пул, кредит ресурслар, капитални (ҳаракати), қимматбаҳо қоғозлар ва валюталар бозори;
- Бозордаги молия тушучаси – пулларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш;
- Бозордаги молиявий тадбиркор – банк, юридик шахслар;
- Бозордаги молиявий фаолият – лицензия асосида фаолият кўрсатиш (банклар учун, юридик шахслар учун лицензиясиз);
- Молиявий натижалар – риск асосида топилган фойда (фоиз, дивидент ва дисконт);
- Ҳуқуқий асослари – битим.

Молиявий система элементлари:

1. Молиявий бозор;
 2. Давлат бюджети:
- Бозор иқтисодиёти методларига асосланган (қисми);
 - Бозор иқтисодиёти методларига асосланмаган (қисми).

Марказий банк монетар сиёсат инкита асосий сиёсатдан иборат:

1. Пул – кредит сиёсати
2. Валюта сиёсати

Кўпгина ривожланган давлатларда валюта ва пул – кредит сиёсатини ажратишмайди ва “монетар сиёсат” деб аташади.

Пул –кредит сиёсатининг халқаро жиҳатлари билан боғлиқ валюта сиёсатининг кўрсаткичлари қуйидагилар:

- ✚ Валюта курси;
- ✚ Валюта – олтин захираси;
- ✚ Мамлакатни тўлов баланси;

✚ Халқаро валюта алоқалар.

Монетар сиёсатни амалга оширишда иккита бир – бирига қарама қарши вазифани ҳал қилиш лозим:

1. Муомаладаги пул массаси иқтисодий конъюктурасини (ҳолатини) ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлаш;
2. Муомаладаги пул массасини ортиқча кўпайишини маълум даражагача чеклаш

Пул – кредит сиёсатини икки тури мавжуд:

1. Валюта сиёсати
2. Пул – кредит сиёсати

Валюта сиёсати вазифалари:

- ✚ Валюта курсини бошқариш
- ✚ Расмий олтин валюта захираларни бошқариш
- ✚ Тўлов балансини бошқариш
- ✚ Валюта бошқаруви ва валюта назорати
- ✚ Халқаро валютавий алоқалар ўрнатиш ва халқаро молия валюта ташкилотларида иштирок этиш.

Пул – кредит сиёсатни вазифалари:

1. Жорий вазифаларни самарадорлиги

- 1.1. Миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш
- 1.2. Фоиз ставкалари даражасини аниқлаш
- 1.3. Муомаладаги пул массаси ҳажмини аниқлаш (инфляция суръатини пасайтириш)
- 1.4. Молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш (тўлов балансини мувозанати)

2. Келажакдаги вазифаларни самарадорлиги

- 2.1. Нархларни барқарорлигини таъминлаш (инфляция суръатини пасайтириш)
- 2.2. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш
- 2.3. Юқори даражадаги бандликни таъминлаш

Монетар сиёсатни самарадорлигини асосий макрониктисодий параметрларга таъсири:

1. ЯИМ ўсиши
2. Инфляция даражаси
3. Ишсизлик даражаси
4. Миллий даромад
5. Баҳолар индекси
6. Давлат бюджети дефицити
7. Иш ҳақи
8. Реал даромад
9. Тўлов баланси ҳолати.

Монетар сиёсат Марказий эмиссион банклар томонидан қуйидаги мамлакатларда амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки;
- Англия Марказий банки;
- Япония Марказий банки;
- Россия Марказий банки;
- Молдава миллий банки;
- Украина миллий банки ва ҳоказо.

Айрим мамлакатларда марказий пул – кредит муассасаси функциясининг бир гуруҳ банклар бошқаради. АҚШ да – федерал захира тизими (ФЗТ).

Монетар сиёсатни вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланади:

- ◆ Бевосита усули – маъмурий усул (чекловлар ва таъқиқлар)
- ◆ Билвосита усули – иқтисодий усул (иқтисодий нормативлар асосида тижорат банкларга иқтисодий, бозор кучлари ёрдамида фаолиятига таъсир кўрсатадиган тадбирлар қиради ва ҳар бир банк ўзини мустақил пул-кредит сиёсатига эга бўлади).

Маъмурий усул қуйидагилар бўлиши мумкин:

- Тижорат банкларининг филиалларини ва бўлимларини очишини чеклаш;
- Воситачилик ҳақининг, хизматлар таърифини, фоизлар ставкаларини чегаралаш;
- Баъзи хил операцияларни амалга оширишга рухсат берилган банклар рўйхатини белгилаш;
- Ҳукумат томонидан кўзда тутилган пул – кредит сиёсатининг мақсадларини режалаш рақамлари бевосита кўрсатиб ўтилган қоидаларидан фойдаланиш

Одатда бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларнинг пул – кредит сиёсати асосан маъмурий усуллардан фойдаланишга асосланган бўлади.

Монетар сиёсатнинг иқтисодий усуллари (билвосита усуллари):

1. Энг кам мажбурий захиралар талабларини жорий этиш;
2. Тижорат банкларни қайта молиялаш миқдорларини ва шартларини белгилаш;
3. Очiq бозордаги операциялар (валюта позицияси, қимматбаҳо қоғозлар бўйича нормативлар, фоизлар даражаси);
4. Кредит бериш ва кредит ресурсларни жалб қилишни энг юқори миқдорларини (бош иқтисодий нормативларни) жорий этиш;
5. Банклар учун ликвидлилик ва фойдалилик иқтисодий нормативларни жорий этиш.

Ўзбекистон мустақиллик йилларини бошида ўзига хос тараққиёт хусусиятларига эга эди:

1. Тангликни барча макроиқтисодий омиллари айнан бир вақтнинг ўзида кечди:

- а) ички ялпи маҳсулот ҳажми жуда ҳам тушиб кетди;
- б) ишсизлик даражаси кўпроқ яширин ҳолда юқори эди;
- в) инфляция даражаси юқори эди;
- г) иқтисодиёт (стагфляция) тўхтатиш ҳолатига мос эди.

2. Ушбу сабаблар пул –кредит сиёсатини амалга ошишига тегишли чекловлар қўйилишига сабаб бўлди.

1.2. Монетар сиёсатнинг методологик асослари

Монетар сиёсатининг иқтисодиётда пул-кредит орқали мувофиқлаштириш объекти – пул.

Пул – кредит орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатиш – бу товар ва пулни мувофиқлаштиришидир, натижаси товарни баҳо (нарх) даражасидир.

Пулга бўлган талаб ва таклиф бу махсус товарга бўлган талаб ва таклиф, натижаси товар баҳоси – фоиз даражасидир.

Пулнинг металл назарияси. Металл пул назарияси тарафдорлари – қуйидагилар: У.Стаффорд (1554-1612), Т.Мен (1571-1641), Д.Норс (1641-1691) ва бошқалар. **Ушбу назарий ҳолатларни моҳияти қуйидагилар:** тангаларнинг ишдан чиқишига қарши бўлиб, металлларнинг барқарор муомалада бўлишини ёқлаб чиқишди. Уларнинг назариясига кўра давлатларнинг бойлигини пуллар билан, пулларнинг ўзини эса – асл металллар билан бир хил деб тушуниш характерли эди.

Назарияни камчиликлари: Металлистлар пулларнинг моҳиятини асл металлларнинг ижтимоий хусусиятлари эмас, балки табиий хусусиятлари билан боғлашган, пулларга ижтимоий ишлаб чиқариш муносабати сифатида қарашмаган, балки уларни буюм деб билишган. Шунинг учун улар пулларнинг тўлақонли тангаларни талаб қиладиган функцияларини, айниқса, жаҳон пуллари ва хазиналар функцияларини мутлоқлаштиришган.

Пулнинг номинал назарияси. XVII-XVIII асрлар амал қилган ўлчовнинг идеал пул бирлиги назариялари ўз моҳиятига кўра номиналистик тусда бўлган. Мазкур назария тарафдорлари қуйидагилар: – Ж.Локк (1632-1704), Ж.Беркли (1685-1753), Ж.Стюарт (1712-1780).

Ушбу назарияни моҳияти: пул бирликларининг номлари — қийматнинг идеал атамаларини ифодалайди, деб фараз қилишган. Шунингдек, айрим иқтисодчи олимлар жумладан, Д.Грей товарлар қийматини бевосита иш вақти соатларида, ўзига хос ишчи пулларда ифодалаш зарурлигини асослашга уринишган. Д.Грейнинг фикрича,

ар ишлаб чиқарувчилар пулга ўз меҳнاتини маҳсулотларини топшириши улар учун ишчи пулларга муайян миқдорини олишлари керак бўлган, улар шу ишчи пуллари ёрдамида ушбу пулга ўзларига зарур товарларни сотиб олиши мумкин эди.

XIX асрнинг биринчи ярмида ишчи пуллар ғоясини амалга оширишга янишлар бўлди. 1). 1829-йилда Марселда адвокат Мацель айирбошлаш пини. 2). 1832-1834 йилларда социалист-утопист Р.Оуэн Англияда эллатли айирбошлаш бозорини, 3). 1849 йилда эса, П.Ж.Прудон —халқлини таъсис этдилар. Бирок бу муассасаларнинг ҳаммаси бир хилда ун топиб, инқирозга учради. Бунинг сабаби, шунда эдики, адолатли айирбошлаш пуллари на ижтимоий зарур вақтнинг миқдорини, на ижтимоий тиёжнинг миқдорини тўғри белгилай олишмасди.

Пулнинг миқдорий назарияси. Пулнинг миқдорий назарияси измуни: 1. Товарларнинг нисбий қиймати. 2. пулнинг харид қобилияти. 3. инг ўзгариши сабаблари ҳақидаги саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. азкур назария асосчилари қуйидагилар ҳисобланади: Ж.Вандерлинг, Г.Монтескье, Д.Юм ва Д.Риколар ҳисобланишади.

Назария пайдо бўлиш шароити: XVI-XVII асрла Европада юз берган -нархлар революцияси пулларнинг миқдорий назарияси вужудга олишининг бевосита сабаби эди.

Ушбу назарияни сабаби: Европага Американинг арзон олтини ва мушининг олиб келиниши ва уларни қазиб олиш қийматининг пасайиши варлар нархларининг жадал ўсишига олиб келди. **Ушбу назарияни амчилиги:** Д.Юм бундай фавқулодда шарт-шароитларни типик деб исоблаган, лекин илмий таҳлил бутунлай тескари ёндашувни талаб қилган. Д.Юм ҳам миқдорий назариянинг кейинги тарафдорлари Д.Рико ва К.Милльлар ҳам олтин тангали стандарт шароитида муомалада юрган улларнинг миқдори аввало сотиладиган товарларнинг қийматига ва янада никроқ қилиб айтганда, улар нархларининг суммасига боғлиқ бўлишини ушунишмаган.

Шундай қилиб, 3 та қоида классик миқдорий назария учун хос бўлган:

- 1) **сабаблилик** (нархлар пулларнинг массасига боғлиқ бўлади);
- 2) **мутаносиблик** (нархлар пуллар миқдорига мутаносиб равишда ўзгаради);
- 3) **универсаллик** (пуллар миқдорининг ўзгариши ҳамма товарларнинг нархларига бир хилда таъсир қилади).

Пулнинг монетар назарияси. Монетаристлар пулларнинг миқдорий назариясининг янгича талқинини таклиф этишди. Бундай ёндашув Милтон Фридман бошчилигидаги ҳозирги монетаристлар асарларида амалга оширилди. М.Фридман статистик таҳлил асосида қуйидагича формулани таклиф қилди:

$$MV=PY$$

Бу ерда: M – пул массаси; V – даромаднинг айланиш тезлиги; P – нархлар даражаси; Y – реал даромад нормаси.

Пулларни монетаристлар такрор **ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омили сифатида кўриб чиқишади**, шунинг учун давлатнинг пул-кредит соҳасини нотўғри тартибга солиниши, уларнинг фикрича иқтисодий таназзулни келтириб чиқариши мумкин. Бундай таназзулни олдини олиш учун, **биринчидан**, пул массасининг ўсиши суръатларини йилига 3-4% гача пасайтириш зарур эди. **Назарияни камчилиги:** бундай суръатлар иқтисодий конъюнктуранинг жорий ҳолатидан қатъий назар тавсия этилади, чунки, монетаристларнинг фикрича, қабул қилинган қарорларнинг таъсири жиддий кечикади ва уларнинг бошланғич мақсадига путур етказди. **Иккинчидан**, давлатнинг иқтисодий функцияларини чеклаш: давлат сектори миқдорларини камайтириш, давлат харажатларини, шу жумладан, ижтимоий эҳтиёжларга харажатларни қисқартириш керак бўлади.

Пулларнинг функциялари: Пулларнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти уларнинг ички мазмунини ифодалайдиган

ункцияларида намоён бўлади. Пуллар қуйидаги бешта функцияни ажаради:

- қиймат ўлчови,
- муомала воситаси,
- тўлов воситаси,
- жамғарма воситаси,
- жаҳон пуллари.

Монетар сиёсатни – мақсади миллий пулни барқарорлигини таъминлаш (пул қадри), **инфляцияни** жараёни жиловлаш, товарлар ва хизматларни **нархини** даражасини доимийлигини таъминлаш.

Монетар сиёсати (пул кредит ва валюта сиёсати) – **институционал (қонуний, меъёрий) асосий** – бозор тизими ҳисобланади.

Бозори тизимини икки тури мавжуд:

- Кредит бозори
- Молия бозори

Кредит бозори иккига бўлинади:

- Банклараро кредит ресурслар бозори.
- Пул бозор.

Марказий банк пул-кредит орқали мувофиқлаштириш асбоблари қуйидагилар:

- Фоииз ставкаси
- Мажбурий захира нормаси
- Валюта курси
- Очиқ бозор сиёсати (қимматбаҳо қоғозлар нархи)

Марказий банкни пул-кредит орқали мувофиқлаштиришни икки усули қуйидагилар:

- Бевосита (маъмурий)
- Билвосита (иқтисодий)

Пул муомаласини мувофиқлаштириш пул массасини оборотни бошқариш деганидир.

Пул массаси бу – нақд пуллар (аҳолини қўлдаги пуллар, банк ва корхонадаги кассадаги пуллар) ва нақдсиз банкдаги ҳисоб рақамлаги пуллар.

Пул агрегатлари ва пул мультипликатори. Ўзбекистонда пул массасини бошқаришда уларни маълум бир неча агрегатларга бўлиб ўрганиш орқали амалга оширилади.

Пул массаси қуйидаги пул агрегатларидан таркиб топган:

M^0 – муомаладаги нақд пуллар, банкноталар, хазина патталари ва металл тангалан иборат бўлади.

M^0 агрегатини пул базасидан фарқлаш зарур. Пул базаси таркибига тижорат банкларининг марказий банкдаги мажбурий захиралари киради. M^0 агрегатининг таркибига тижорат банкларининг марказий банкдаги мажбурий захиралари расман кирмайди.

$M1$ – M^0 агрегати + корхоналарнинг ҳисоб-китоб, жорий ва махсус ҳисобварақларидаги маблағлари, суғурта компаниялари маблағлари, аҳолининг тижорат банкларидаги — талаб қилиб олингунгача ҳисобварақларидаги депозитлари.

$M2$ – $M1$ агрегати + аҳолининг банклаги муддатли омонатлари.

$M3$ – $M2$ агрегати + давлат заёмларининг сертификатлари ва облигациялари.

$M4$ – $M3$ агрегати + хорижий валютадаги депозитлар.

Пул агрегатларидан мақсад: пулни агрегатларига бўлиб ва алоҳида пул агрегатига таъсир кўрсатиш усулидан фойдаланиш.

Монетизация коэффициенти иқтисодиётнинг пуллар билан таъминланиши даражаси ёки товар айланишининг тўлов воситалари билан таъминланиши даражасини акс эттирадиган **кўрсаткичдир.** Бундай **коэффициент $M2$ пулагрегати суммаси** ва ушбу иқтисодиётда мавжуд бўлган хорижий валютадаги депозитларнинг ЯИМ ҳажмига ўзаро нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади.

Пул, кредит ва банк мультипликатори. Пуллар марказий эмиссия банки фаолияти натижасида яратилади. Пулларни яратиш жараёни икки босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқичда, Марказий эмиссия банки асосий йўналишлар бўйича, 1). Ҳукуматга, тижорат банклари, чет мамлакатлар, алоҳида корхоналарга бевосита кредитларни бериш йўли билан (агар амалдаги қонунла шундай тартиб назарда тутилган бўлса), 2) Расмий олтин ва валюта захираларини кўпайтириш орқали Марказий банкни активларини кўпайтиради.

Марказий эмиссия банки активларининг кўпайтирилиши айти бир вақтда унинг пассивларининг ҳам тегишлича ўсишини англатади, яъни пул базасининг ташкил этилишига олиб келади.

Пул базаси қуйидагилар: 1) муомаладаги нақд пуллар, 2) тижорат банкларининг мамлакат Марказий банкидаги мажбурий ва мажбурий бўлмаган (ихтиёрий ва ортиқча) захираларидан иборат бўлади.

Иккинчи босқичда, тижорат банклари ўз мижозлари – корхоналар, ташкилотлар, аҳолини кредитлаш учун Марказий эмиссия банкдан олган кредитлардан фойдаланадики, бу пул массасининг яратилишига олиб келади.

Пул массаси қуйидагилардан ташкил топади: 1) Муомаладаги нақд пуллар 2) Мижозлар ҳисобварақларидаги пуллар қолдиқларидан иборат бўлади.

Пул массаси билан пул базаси ўртасидаги нисбат пул мультипликатори деб аталади.

$$\text{Пул мультипликатори} = \frac{\text{Пул массаси}}{\text{Пул базаси}}$$

Тижорат банкларининг ўз мижозларига берадиган кредитлари билан Марказий банкнинг тижорат банкларига берадиган кредитлари ўртасидаги нисбат кредит мультипликатори деб аталади.

Кредит мультипликатори =

Тижорат банкларининг ўз миқозларига берган кредитлари

Марказий банк томонидан тижорат банкларига берилган кредитлар

Кредит мультипликаторининг моҳияти: маълум бир тижорат банки томонидан **очиқ бозордаги** операциялар ҳисобига Марказий банк олган кредит ресурслар ўз миқозларини кредитласа ва ушбу маблағлар бошқа банк миқозларига ўтказилса, натижада бошқа банк **кредит ресурсларининг** кўпайиши ва унда **кредитлаш имкониятининг ортиб боришига** олиб келади. Бу жараён муомаладаги пул массасининг ортиб боришига сабаб бўлади.

Банклар	Қуйилмалар (долла)	Ссуда (долла)	Мажбурий захиралар (долла)
I банк	1000	950	50
II банк	950	902,5	47,5
III банк	902,3	857,4	45,2
IV банк	603,24	598,7	31,5
Жами	8 025,2	7 623,93	401,27

Муомаладаги пуллар миқдорининг ўсиши тўлалигича Марказий банкнинг **кредит эмиссияси** билан олдиндан белгиланади ва ҳар қандай йўналиш бўйича муқаррар тарзда **пул базасининг ўсишига** ва **мультипликаторнинг таъсирида пул массасининг кўпайишига олиб келади.** Пул массасининг кўпайиши ўз навбатида инфляция суръатларига ҳам таъсир кўрсатади.

Банк мультипликатори – пулларнинг тижорат банклараро ҳаракати даврида тижорат банкларининг депозит ҳисобварақларидаги пулларнинг **кўпайиши жараёнидан иборат.** Пул массасининг кўпайтиришнинг ушбу механизми фақат икки поғонали банк тизими

(марказий ва тижорат банклари) амал қиладиган ва тўлиқ фаолият юритадиган шароитда ишлаши мумкин. Банк мультипликатори механизмининг амал қилиши жараёнида банклар миқозларининг ҳисобварақларида пул маблағларининг тўпланиши юз беради.

Ушбу механизмнинг амал қилиши интенсивлигини ҳисоб-китоб қилиш учун банк мультипликатори коэффициентини ҳисоблаш формуласи қўлланилади:

$1-R \times 100\%$ бунда: R – Марказий банк белгилаб қўйган мажбурий захиралаш нормаси.

Банк мультипликатори механизми депозитлар орқали қуйидаги усулда фаолият юритади: 1. Марказий банк қандайдир тижорат банкига 100 бирлик миқдорда кредит беради; 2. Ўз навбатида ушбу тижорат банки ўзининг миқозига ҳам худди шу бирликда кредит беради; 3. Миқоз ушбу 100 бирликдан иборат кредитдан ўз мажбуриятларини тўлаш учун фойдаланади. Пул маблағлари бошқа иқтисодий субъектга бориб тушади; 4. У бу маблағларни ўзининг тижорат банкидаги депозитли ҳисобварағида жойлаштиради.

Изоҳлаймиз қуйидаги услуб билан: Банкнинг иккинчи миқозининг ҳисобварағида 100 бирлик мавжуд бўлди. Банк ушбу суммадан мажбурий захиралаш фондига муайян фоизни ажратади. Банкда, масалан, эркин маблағларнинг 85 та бирлиги қолади ва банк ушбу маблағларни яна кредитга беради. Бу операция фақат шундай фарқ билан такрорланадики, тўртинчи миқознинг ҳисобварағида энди 85 та бирлик мавжуд бўлади. Бундай операция муайян муддат давомида такрорланади ва натижада миқозларнинг банклаги ҳисобварақларида Марказий банк биринчи марта берган 100 та бирликдан ошадиган сумма (100+85+ ва ҳоказо) пайдо бўлади. **Шундай қилиб, мазкур механизм иқтисодиётга тақдим этилган пул массасини муайян суммагача нақд пулсиз шаклда кўпайтиришга имкон беради.** Ушбу ҳолатда белгилаб қўйилган мажбурий захиралаш нормаси

қанчалик юқори бўлса, кредитнинг айланиши шунчалик тез тугайди ва бу механизмнинг амал қилиши натижасида қўшимча равишда иқтисодиётда шунчалик кам миқдордаги пуллар пайдо бўлади.

Пул муомаласи ва қонуниятлари. Бозор иқтисодиёти шароитида пул маблағлари **тўхтовсиз** ҳаракатда бўлади, товарлар ва хизматлар айирбошлаш жараёнида ресурслар учун **тўловларни** амалга оширишда, иш ҳақи ва бошқа мажбуриятларни тўлашда пул доимий айланиб туради.

Пул муомаласи бу - Пулнинг ўз вазифаларини бажариш жараёнидаги бу тўхтовсиз ҳаракат дейилади.

Пул муомаласи бу пулларнинг 1. Мамлакатнинг ички иқтисодий айланиши 2. Ташқи иқтисодий тизимидаги товарлар ва хизматларнинг сотилиши, шунингдек; 3. Уй хўжалигидаги товарсиз тўловларга хизмат кўрсатадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги ҳаракатдир.

Нақд пул муомаласи сифатида қуйидагилар хизмат қилади: 1. Банк билетлари; 2. Металл тангалар (пул белгилари) хизмат қилади.

Нақд пулсиз ҳисоблар қуйидагилар билан амалга оширилади: 1. Кредит пуллар муомаласи; 2. Чеклар; 3. Кредит карточкалари, 4. Векселлар, 5. Аккредитивлар, 6. Тўлов талабномаларикабилар ёрдамида амалга оширилади.

Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Унинг қонунларидан энг муҳими муомала учун **зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва товарлар, хизматлар ҳажмига мувофиқ муомалага пул чиқаришдир.**

Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Товарлар суммаси. Товарлар ва хизматлар қанча кўп бўлса, уларнинг нархи қанча баланд бўлса, уларни сотиш ва сотиб олиш учун шунча кўп пул миқдори талаб қилинади.

2. Пулнинг айланиш тезлигига. Пул қанчқлик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам бўлади.

3. Кредит миқдори: Кўпинча товарлар қарзга (кредитга) сотилади ва уларнинг ҳақи келишувга мувофиқ кейинги даврларда тўланади. Демак, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунга мувофиқ камроқ бўлади. Иккинчи томондан, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади. Бу пул миқдорига эҳтиёжни кўпайтиради.

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олганда муомала учун зарур бўлган пул миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M = \frac{T - X_k + X_T}{A_T}$$

Бунда:

M – муайян даврда муомала учун зарур бўлган пул миқдори;

T – сотилиши лозим бўлган товарлар суммаси;

X_k – кредитга сотилган товарлар суммаси;

X_T – тўлаш муддати келган товар ва хизматлар ҳамда бошқа тўловлар суммаси;

A_T – пулнинг айланиш тезлиги.

Пул қонуниятини риоя қилмаслик натижалари: Муомалада бўлган пул миқдори сотилаётган товарлар ва хизматлар суммасига нисбатан ошиб кетиши ва бунинг натижасида товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши пулнинг қадрсизланиши, яъни инфляцияни билдиради.

Пул айланиши бу 1. Нақд пуллик 2. Нақд пулсиз шакллардаги пул белгиларининг узлуксиз ҳаракат жараёнидир.

Нақд пуллик пул айланиши бу иқтисодий субъектлар ўртасидаги муомалада қатнашадиган бевосита нақд пул массасидир. Нақд пул айланишини икки ҳолати: **1) Ривожланмаган** мамлакатлар учун нақд пул айланиши юқори. Бундай вазият етарли ривожланмаган ёки ўтиш даври иқтисодиётларида кузатилади; **2) Ривожланган** мамлакатлар учун нақд пул айланиши паст. Ривожланган иқтисодиётларда электрон пуллар тобора кўпроқ оммалашган бўлади. Бундай пул воситалари мижозларнинг банк

муассасаларидаги ҳисобварақлари бўйича фақат техник ускуналар ёрдамида ишлатиш мумкин бўлган электрон узатмалардаги ёзувлардир.

Нақд пулсиз пул айланиши бу – банкларда пул маблағларини тўловчилар ва олувчиларнинг ҳисобварақлари бўйича ёзувлар ёрдамида ёки ўзаро талабларни ҳисобга олиш йўли билан амалга ошириладиган пул айланишидир. Нақд пулсиз пул айланиши бевосита пул белгисининг бўлмаслигини назарда тутади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тамойиллари:

1) **Ҳисоб варақ мавжудлиги.** Мижозларга маблағларни сақлаш ва ўтказиш учун очиладиган банк ҳисобварақлари бўйича амалга оширилади;

2) **Қолдиқда маблағни мавжудлиги.** Ҳисоб варақлардан тўловлар банклар томонидан ҳисобварақлар эгаларининг фармойиши бўйича тўловларнинг улар белгилаган навбатлилиги тартибида ва ҳисобварақдаги маблағларнинг қолдиғи доирасида амалга оширилиши лозим;

3) **Шартноманинг мавжудлиги.** Банклар мижозларнинг шартномали муносабатларига аралашмайди;

4) **Шартноманинг муддатлиги.** Тўловнинг шартномаларда, Молия вазирлиги йўриқномаларида назарда тутилган муддатлар асосидаги муддатлилиги;

5) **Тўловнинг таъминланганлиги.** Тўловчида (ёки унинг кафилида) пулларни олувчи олдидаги мажбуриятларни узиш учун қўлланилиши мумкин бўлган ликвидли маблағларнинг мавжудлиги.

Шундай қилиб, нақд пулсиз пул айланиши иқтисодиётнинг муайян ривожланиш даражасига эришганлигидан далолат беради ва янада раванқ топиш учун қўшимча имкониятларни тақдим этади.

Пулга талаб бу – 1. Айирбошлаш учун (P_T) 2. Активлар томонидан пулга талаб (P_a) ни ўз ичига олади.

1. Пулга талаб айирбошлаш учун (P_1). Аҳоли ўзларининг ҳисобларига навбатдаги пул оқими келиб тушгунча, кундалик эҳтиёжлари учун қўлларида етарли пулга эга бўлиши зарур. Корхоналарга иш хақи

тўлаш, материал, ёқилғи сотиб олиш ва шу кабилар учун пул керак бўлади. Шу барча мақсадлар учун зарур бўлган пул – айирбошлашли пулга талаб дейилади. Айирбошлаш учун зарур бўлган пул миқдори номинал ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажми билан аниқланади, яъни у номинал ЯММга мутаносиб равишда ўзгаради. **Аҳоли ва корхоналарга икки ҳолда айирбошлаш учун кўпроқ пул талаб (П1) қилинади:** 1) Нархлар ўсганда 2) Ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганда.

2. Активлар томонидан пулга талаб (Па): Кишилар ўзларининг молиявий активларини ҳар хил шаклларда, масалан, коорпорация акциялари, хусусий ёки давлат ташкилотлари облигациялари шаклида ушлаб туриш мумкин. Демак, активлар томонидан, яъни инвестициялар учун пулга талаб (Па) ҳам мавжуд бўлади.

Активлар томонидан пулга талаб фоиз ставкасига тескари мутаносибликда ўзгаради: 1) Фоиз ставкаси паст бўлса, кишилар кўпроқ миқдордаги нақд пулга эгалик қилишни афзал кўради. 2) Аксинча, фоиз юқори бўлганда пулни ушлаб туриш фойдасиз ва активлар шаклидаги пул миқдори кўпаяди.

Шундай қилиб, пулга бўлган умумий талаб, активлар томонидан пулга бўлган талаб ва айирбошлаш учун бўлган талабнинг миқдори билан аниқланади.

Кредитнинг моҳияти, манбалари ва вазифалари. Ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишидаги ва фондларнинг бир марта айланишидаги қийматнинг ҳаракати қисқа муддатли кредит муносабатлари пайдо бўлишининг иқтисодий асосидир.

Кредит бу – бўш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тўплаш ҳамда уларни юридик ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжлари учун маълум муддатга, фоиз тўлаш ҳамда қайтаришлик шарти билан **қарзга бериш** жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Пул шаклидаги капитал ссуда капитали дейилса, унинг харакати кредитнинг мазмунини ташкил қилади.

Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида, пул эгаси, яъни қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида юзага келади. Турли хил корхона ва ташкилотлар, давлат ва унинг муассасалари ҳамда аҳолининг кенг қатлами **кредит муносабатларининг субъектлари ҳисобланади.** Санаб ўтилган субъектларнинг айнан ҳар бири бир вақтнинг ўзида ҳам қарз олувчи ва ҳам қарз берувчи ўрнида чиқиши мумкин.

Кредит муносабатларининг объекти жамиятда вақтинча бўш турган пул маблағларидир.

Кредит ресурсларининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат:

1. Корхона ва ташкилотларнинг банк ҳисоб варақларидаги амортизация ажратмалари.

2. Маҳсулот сотишдан олинган пул тушумлари.

3. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари.

4. Корхона ва ташкилотлар фойдаси. Улар давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, шунингдек, унинг тегишли қисми корхона эҳтиёжлари учун фойдалангунча банкдаги ҳисобварақларида сақланади.

5. Банкдаги бюджет муассасалари, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари.

6. Аҳолининг банклардаги бўш пул маблағлари.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида вақтинча **бўш пул маблағлари** ҳосил бўлиши билан бир вақтда, иқтисодиётнинг айрим бўғинлари ва соҳаларида **қўшимча пул маблағларига эҳтиёж ҳам пайдо бўлади.**

Мазкур ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда кредит қуйидаги вазифаларни бажаради.

Биринчидан, кредит қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Бунинг ёрдамида корхоналар, давлат ва аҳолининг бўш пул маблағлари ссуда фонди шаклида тўпланиб, кейин бу маблағлар кредит механизми орқали халқ хўжалик тармоқлари эҳтиёжларини ҳисобга олиб қайта тақсимланади. Шу орқали кредит ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, кредит пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини юзга чиқариб, уларни хўжалик амалиётига жорий этиш вазифасини бажаради.

Учинчидан, кредит нақд пуллар ўрнига кредит пулларни ривожлантириш ва пул муомаласини жадаллаштириш билан муомала харажатларини тежаш вазифасини бажаради.

Тўртинчидан, кредит алоҳида корхоналарнинг ҳиссадорлик жамиятига айланиши, янги фирмаларнинг вужудга келиши ва трансмиллий компаниялар ташкил топишининг муҳим омилларидан бири сифатида чиқади.

Бешинчидан, кредит ссуда фондининг ҳаракати (қарз бериш ва қарзни ундириш) орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш вазифасини бажаради.

Олтинчидан, кредит ўз муассасалари орқали иқтисодий субъектлар фаолияти устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

Еттинчидан, кредитнинг ўзига хос вазифаси бу – иқтисодиётни тартибга солиш ҳисобланади. Бунда кредит учун фоиз ставкаларини табақалаштириш, давлат томонидан кафолатлар ва имтиёзлар бериш каби усуллардан фойдаланилади.

Тарихий тараққиёт давомида кредитнинг икки шакли: Пул ва товар шаклидан фойдаланилиб келинган. Ҳозирги вақтда мамлакат ички айланмасида пул кредитидан кенгроқ фойдаланилмоқда ва қуйидаги шакллари мавжуд: кредит банк, тижорат, давлат, истеъмол ва халқаро кредит каби шаклларни ўз ичига олади.

Банк кредити – кредитнинг асосий ва етакчи шакли сифатида чиқади. У пул эгалари – банклар ва махсус кредит муассасалари томонидан қарз олувчиларга пул ссудалари шаклида берилади. **Банк кредитининг объекти – пул капиталидир.**

Банк кредити йўналиши, муддати ва кредит битимлари суммаси бўйича чекланмайди. Унинг фойдаланиш соҳаси ҳам жуда кенг, товар муомаласидан тортиб капитал жамғарилишигача хизмат қилади. Банк кредит фойзининг мақсади ссудалар ҳисобига даромад (фойда) олишдир.

Кредитнинг асосий тамойиллари. Кредит муносабатлари иқтисодиётда мавжуд аниқ услубий асосларга таянади. Иқтисодий категория сифатида кредит бир неча тамойилларга эга. **Булар кредитнинг мақсадлилиги, муддатлилиги, қайтариб беришлилиги, таъминланганлиги ва тўловлилик тамойилларидир.**

Ўзбекистон Республикасида банк тизими икки поғонадан, **Марказий (эмиссион) банк ҳамда тижорат банкларидан** иборат. Марказий банк – банк тизими мавжуд бўлган барча давлатлар пул-кредит тизимининг асосини ташкил қилади. Марказий банкнинг молия бозоридаги ўрни мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиш даражасига ва хусусиятига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида банк тизимини шаклланишига асосий омил бўлиб ҳисобланади. Марказий банк мамлакат пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона пул-кредит сиёсатини амалга оширади.

Икки поғонали банк тизими бозор муносабатларининг қарама-қаршиликларидан келиб чиқади: 1) Бу хусусий молия маблағларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилади. Бу қуйи поғона банклар – тижорат банклари орқали амалга оширилади. 2) Бу муносабатларни маълум миқдорда тартибга солиш, назорат қилиш ва мақсадли йўналтиришни таъминлайди. Бундай махсус институт сифатида **Марказий банк юзага чиқади.**

Монетар сиёсатнинг стратегик мақсадлари:

Жорий вазифалар:

- 1) Сумнинг курсини барқарорлиги
- 2) Миллий фоиз ставкаларини даражаси
- 3) Муомаладаги пул массасини ҳажми
- 4) Молия тизимининг барқарорлиги

Келажакдаги вазифалари:

1. товар хизматлар нархларни барқарорлиги (доимилиги).
2. Иқтисодий ўсиш.
3. Юқори даражасидаги бандлик.

Марказий банк – монетар сиёсатдаги анъанавий инструментлари куйидагилар.

1) Марказий банк – очик бозордаги сиёсати икки усули:

- Банкларни кредит **ресурс кўпайиши** мақсад бўлса Марказий банк қимматли қоғоз сотиб олади.
- Банкларни кредит **ресурс камайиши** мақсад бўлса Марказий банк қимматли қоғозни сотади (сотувчи бўлади).

2) Марказий банк – қайта молиялаштириш сиёсатининг куйидаги кўринишда мавжуд:

- **Ҳисоб ставкаси.** Марказий банк томонидан тижорат банкларнинг тратталарни (векселлар ва хоказо) қайта ҳисобга олиш йўли билан кредитлаш усули ҳисобланади.

- **Ломбард ставкаси.** Марказий банк томонидан тижорат банкларнинг қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули ҳисобланади (Ломбард кредити – Ломбард фоиз ставкаси).

- **Тижорат банкларни тўғридан тўғри (аниқ ставка орқали) кредитлаш усули.** (Овердрафт ёки муддатли кредит шаклида берилади).

3) Мажбурий захиралар сиёсатини вазифалари:

- Банк тизимининг ликвидлигига таъсир этиш функцияси
- Тижорат банкларнинг кредит эмиссиясининг чеклаш функцияси

- Тижорат банки банкрот бўлганда, унинг мажбуриятлари бўйича ҳисобланиши функцияси.

4) Марказий банк валюта сиёсатининг уч асосий валюта операцияларнинг тури мавжуд:

- Валюта интервенцияси усули (хорижий валютани миллий валютага сотиб олиш ва сотиш операциясидир).
- Ҳукуматининг ташқи қарзининг тўлаш бўйича Марказий банк томонидан амалга ошириладиган валюта операциялари
- **Марказий банк балансидаги олтин-валюта захираларини бошқариш операцияларини ва уларни бошқариш усуллари:**
 - Валюта захираларини диверсификация қилиш усули;
 - Валютавий СВОП операциялардан фойдаланиш;
 - Голд СВОП операциялардан фойдаланиш;
 - Очиқ валюта позицияларини қисқартириш.

1.3. Марказий банк ва иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солиш

Марказий банк давлатни расмий пул – кредит институти. Ҳар бир давлатда **Марказий банк ҳукуматнинг расмий пул – кредит институти** сифатида фаолият кўрсатади.

Марказий банк ни мақсади – миллий валюта курсини барқарор ҳолатда сақлаш ва шу орқали мамлакат ҳудудида баҳолар (товар ва хизматлар нархи) барқарорлигини таъминлашдан иборатдир, яъни пулни қадри ва нархларни даражасини бир маромда сақлашдан иборат. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки Марказий банк фойда олиш мақсадида фаолият юритмайди.

Марказий банкни пайдо бўлиш зарурлиги:

1. Банк тизимининг буткул ишдан чиқмаслиги учун. (Ҳар бир банк ўзича ва ўзи белгиланган миқдорда муомалага турли хилдаги ҳамда турли номиналдаги пул белгиларини чиқаришга ҳаракат қилади)

2. Муомаладаги пул ҳажмини (массасини) тартибга солиш, иқтисодиёт билан мувофиқлаштириш ва пул муомаласини назорат қилиш.

3. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш.

4. Пул – кредит соҳасида давлатни вазифасини бажариш.

Марказий банкни пайдо бўлиш тарихи қуйидагилар билан изоҳ бериш мумкин:

1. Банкнотларни чиқариш жараёни:

- Марказий банкни ташкил этилишига қадар капитализмнинг дастлабки даврида мамлакатдаги тижорат банкларининг барчаси муомалага ўз банкноталарини чиқариш ҳуқуқига эга.
- **Банкнота** – бу ушбу банкнинг ундаги кўрсатилган миқдордаги пулни реал, ҳақиқий пулга хохлаган пайтда алмаштириб бериши тўғрисидаги мажбуриятдир.
- **Банкнотани чиқариш меъёри** – ҳар бир банк ўзининг захирасидаги мавжуд реал, ҳақиқий (олтин, кумуш) миқдоригача муомалага пул белгилари - банкноталарни чиқариши мумкинлиги.

2. Банкнотга талабни ўсиб бориши: XVII ва XVIII асрда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун қўшимча пул маблағлари (банкнотлар) талаб этилган.

3. Банкнот чиқариш меъёрини бузиш жараёни: Ишлаб чиқариш ривожланиш талабини қондириш ва ўзларини оладиган даромадни кўпайтириш мақсадида тижорат банклари муомалага ўзларининг олтин захираларидан бир неча баробар кўп миқдорда банкнота чиқаришган.

4. Банкнот чиқариш меъёрини бузиш натижаси: Банклар ўзларининг мажбуриятларни бажариш имкониятларини йўқотган ва натижада:

- Тижорат банкларига бўлган ишончнинг юқотишга олиб келган;
- Пул муомаласининг издан чиқишига сабаб бўлган.

3) Банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган **ортиқча ликвидликнинг инфляцион босимининг** олдини олиш ҳамда пул массасини тартибга солиш мақсадида тижорат банкларининг бўш турган пул шартларини Марказий банкдаги турли муддатли депозитларга жалб қилиш шартлари **стерилизация операциялари** ўтказиб борилади.

4) Банк тизимида вақтинчалик ликвидлик **етишмовчилиги** юзага келган ҳолларда Марказий банк томонидан ликвидлик билан таъминлаш шартлари қуйидаги инструментларидан фойдаланиш:

4.1. Марказий банк томонидан тижорат банкларидан хорижий валютани (АҚШ доллари, евро, япон иенаси ва фунт стерлинг), белгиланган муддат ва алмашинув курсида **қайта сотиш шarti билан, сотиб олиш операциялари – валютавий СВОП операцияларидан фойдаланилади.**

4.2. Ички валюта бозоридаги барқарорликни ва сўмнинг алмашув курсининг белгиланган **коридор доирасида бўлишини таъминлаш**

ида Марказий банк банклараро валюта бозорида олди-сотди операция-
амалга ошириш.

**1.3. Банк тизими ликвидлигини тартибга солиш тизимини бозор
шллари асосида янада такомиллаштириш фоиз сиёсатининг
адорлигини ошириш ва пул бозорида фоиз хатарларини пасайтириш.**

**2014 йилда республика банк тизимининг барқарорлигини янада
иш ва халқаро андозаларга мувофиқ ривожланишини таъминлаш
а юқори иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ролини кенгайтиришга
тилган қуйидаги истқболли вазифалар амалга оширилиши лозим:**

**Биринчидан, банк тизими барқарорлигини янада ошириш бўйича
га оширилаётган тадбирлар доирасида тижорат банклари
иятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро
аблар, жумладан, Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги
сиялари асосида янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги
ифаларни амалга оширилиши лозим:**

– Базель қўмитасининг капитал етарлилиги ва банк ликвидлиги
борасидаги янги тавсияларини жорий қилиш бўйича ишларни давом
эттириш;

– банклар фаолиятининг аниқ ва холис баҳоланишини таъминловчи
CAMEL(S) тизимининг янги талқинини татбиқ қилишни кўзда тутган
ҳолда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада
такомиллаштириш;

– масофавий назорат тизимини бу соҳадаги илғор халқаро тажриба
асосида янада такомиллаштириш;

– банк тизимидаги тизимли таваккалчиликларни аниқлашга
қаратилган макропруденциал таҳлилнинг замонавий усулларини кенг
қўллаш;

– илғор халқаро тажрибага асосланган ҳолда тижорат банкларини стресс-
тестлардан ўтказиш амалиётини кенг қўламда жорий қилиш ва
ривожлантириш;

ижорат банкларидаги **корпоратив бошқарув** органлари ролини ва таъулиятини ошириш ҳамда корпоратив бошқарув, таваккалчиликлар ва капитални бошқариш тизимларига белгиланган талабларга риоя этилишини устидан назоратни кучайтириш.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши: 1. Банк тизими тартибдорлигини мустаҳкамлаш 2. Банклар кредиторлари ва таълимчиларининг ҳимояланиш даражасини ошириш 3. Аҳоли ва хўжалик субъектлари орасида банк тизимига бўлган ишончнинг янада ошишига таъминот қилади.

Иккинчидан, Республика молия-банк тизими бухгалтерия ҳисоби молиявий ҳисобот тизимини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МХХС) тўлиқ мослаштириш борасидаги қўйидаги қўбўлди вазифалар амалга оширилиши лозим:

банклар томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш бўйича қўбўлдидаги йўриқномаларни **МХХСга мос равишда такомиллаштириш;**

- МХХСни жорий этиш ва қўллаш бўйича **банк ходимларини қайта тайёрлаш;**

- республика бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишга асос бўлган барча қонун ҳужжатларини, шу жумладан, Марказий банкнинг банк тизимига оид **норматив ҳужжатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш;**

- МХХСга мос **янги норматив ҳужжатлар** ишлаб чиқиш;

- МХХС талабларига мос бўлган **Банк автоматлаштирилган** тизимини Ташқи аудиторлик ташкилотларининг сертификатига эга бўлган ходимлари билан ҳамкорликда янгилаш бўйича тавсиялар тайёрлаш;

Юқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш ва давом эттириш мақсадида **Жаҳон банки** билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси банк тизимида молиявий ҳисоботлар ва аудитнинг халқаро стандартларини жорий этилишини ташкиллаштириш тўғрисида»ги **лойиҳанинг янги босқичи амалга оширилиши** кўзда тутилмоқда.

Учинчидан, тижорат банклари капиталлашув даражасини янада ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш ва диверсификациялашга атилган қўйидаги истиқболли вазифаларни амалга оширилиш лозим.

1) Қўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш ҳисобига банклар капиталлашув даражасининг камида **20** фоизга ошишини таъминлаш.

2) Банк тизимининг умумий устав капиталида нодавлат сектори шини ошириш.

3) Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини **қ** муддатли депозитларга жалб этишни янада фаоллаштириш ҳисобига рнинг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмининг камида **30** фоизга **и**шини таъминлаш.

Бунда **а)** депозит ва омонатларнинг янги жозибадор турларини ятазам равишда жорий қилиб бориш **б)** Тижорат банкларида аҳолидан мғарма ва **муддатли депозитларни қабул** қилиш ва муддатида қайтариш роитларини янада қулайлаштириш **в)** **Узоқ муддатли облигациялар** ва **юзит сертификатларини** чиқариш.

Тўртинчидан, тижорат банкларининг 1. Ишлаб чиқаришни дернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, 2. худларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш 3. Иш ўринларини шкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаши қўйидаги маралийўналишлар асосида бўлиши мумкин:

1) **2014** йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал кторига ажратиладиган кредит қўйилмалари ҳажмининг **26** фоизга ўсиши.

2) Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан йта жиҳозлаш ҳамда қишлоқ жойларда якка тартибдаги янги турар йларни барпо этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан барча инбалар ҳисобидан **7,8 трлн. сўм** миқдорида инвестицион кредитлар сратилиши.

3) Қишлоқ жойларида якка тартибдаги янги турар жойларни барпо иш мақсадларига **1,1 трлн. сўм** миқдорида кредитлар ажратиш прогноз

моқда. Шундан **231** млрд. сўм миқдоридаги маблағлар Осиё тараққиётнинг кредит линияси ҳисобидан берилади.

Шу билан бирга, иқтисодий кредитлаш ҳажмларини айтириш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган кредитларнинг олдини олиш мақсадида тижорат банклари томонидан 1) шакллари диверсификация қилиш, 2) Кредит портфелини яхшилаш, 3) иқтисодий шакллари самарали бошқаришни мунтазам равишда амалга ошириб борилиш лозим.

Бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик объектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2014 йилда қўйилган кредитларнинг жами 7,5 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши лозим.

Бунда асосий эътибор **1) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик объектлари бошланғич капитални шакллантириш, 2) Уларнинг инвестицион лойиҳалари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмларини кенгайтириш, 3) Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини молиялаштириш, айниқса, қишлоқ жойларида иш қилишнинг ташкил этишга йўналтирилган микромолиявий хизматлар ажмларини кенгайтириш, 4) Ушбу сектор иштирокчилари учун молия-кредит ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор механизмлари, механизмлари ва амалиёти такомиллаштириш, 5) Ушбу сектор иштирокчилари учун халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини жалб қилиш ишларни фаоллаштириш лозим.**

Олтинчидан, микромолиялаш соҳасини ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини самарали ривожлантириш кўйидаги йўналишлар бўйича бўлиши мумкин:

❖ – нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини **халқаро андозалар асосида** янада такомиллаштириш;

· **нобанк кредит ташкилотлари** ва улар томонидан кўрсатиладиган **измат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш**;

· **нобанк кредит ташкилотлари тизимида ахборот-коммуникация** ехнологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, дастурий таъминотлар сосида бухгалтерия ҳисоби ва бошқа молиявий ҳисоботларни айёрлашни кенг жорий этиш;

· республика ҳудудларида **кам таъминланган оилалардаги** аёлларга имтиёзли ресурслар, шу жумладан, халқаро молия институтлари, инвесторлар ва донорлар маблағлари ҳисобидан **микрокредит ва микроқарзлар** ажратишга ихтисослашган **нобанк кредит ташкилотларини** ташкил этиш ва узлуксиз иш фаолиятини таъминлаш ишларини давом эттириш.

Еттинчидан, Республика тижорат банклари ва банк-молия тизими фаолиятини баҳолашда халқаро амалиётда қўлланиладиган **меъёрлар**, онлар ва андозаларни жорий этиш ва уларга эришиш куйидаги **алишларда бўлиши мумкин**:

- **етақчи халқаро рейтинг компаниялари** «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» билан **ҳамкорликни** ва улар томонидан қўлланиладиган **халқаро меъёр, андоза** ва баҳолаш тизимини татбиқ қилишни янада кенгайтириш;

тижорат банкларига етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан эрилган **рейтинг баҳоларининг мунтазам равишда янгилаб** эрилишини таъминлаш;

етақчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган **тижорат банклари фаолиятини баҳолаш тизими, мезон** ва андозалари ўйича **банк тизими мутахассисларининг** билим ва малакаларини ошириш;

молиявий ҳисоботларни халқаро талаблар асосида тайёрлаш ва тақдим қилишда унинг **шаффофлиги, жумладан, халқаро таққосланувчанлик,**

даврийлик, муддатлилик ва сифатлилик тамойилларига риоя қилинишини таъминлаш;

Саккизинчидан, банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар урларини янада кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш қуйидаги ўналишларда бўлиши мумкин:

-) Қишлоқ жойларида банк **инфратузилмалари тармоғини** кенгайтириш
-) Ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб хизматлар кўрсатиш, жумладан, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматлари («**банк-мижоз**», «**интернет-банкнинг**», «**мобил-банкнинг**», «**SMS-банкнинг**») кўрсатиш.
-) Банк пластик карточкаларини муомалага чиқариш ҳажмларини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш орқали нақд пулсиз ҳисобкитоблар тизими янада кенгайтирилиш.
-) Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириладиган ҳисобкитоблар кўламларини кенгайтириб боришда хавфсизлик даражасини ошириш.

Тўққизинчидан, банк менежменти соҳасида замонавий билим ва ўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни янада такомиллаштириш қуйидаги йўналишларда бўлиши мумкин:

1) Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Банк-молия академияси, ошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Ўзбекистон Республикасидаги Ўқув маркази, Худудий банк ўқув маркази, ТИФ Миллий банки, «Асака» ДАТБ, «Агробанк» ОАТБ ва Халқ банки ўқув марказлари, орижий мамлакатлар ва халқаро молия институтлари томонидан банк аолиятининг долзарб йўналишлари бўйича ташкил этиладиган **курслар ва семинарларда банк** ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш;

2) Умум қабул қилинган халқаро меъёр ва андозаларга асосан банк аолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришнинг долзарб асалалари бўйича **илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра**

тларини ташкил этиш, уларда ёш, иқтидорли мутахассисларнинг рок этишини таъминлаш.

Ўнинчидан, банк-молия соҳасида ишбилармонлик муҳитини янада янада кўйидаги йўналишларда бўлиши мумкин:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат инклари билан **ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш** ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига измат кўрсатиш сифатини янада ошириш;

молия бозорида кредиторлар ва қарз олувчилар учун зарур маълумотларни олиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «**Гаров реестри тўғрисида**»ги Қонуни асосида Марказий банк ҳузурида «**Гаров реестри**» давлат унитар корхонасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш;

- олиш ва етиб бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ҳамда шаҳарлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг юқори технологик ва инновацион лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банкларининг имтиёзли **кредит бериш махсус Жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар ҳажмларини ошириб бориш;**

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузуридаги **Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа хужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича танлаб олинган ғоялар асосида лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш ҳажмларини кенгайтириш.**

Ўнбиринчидан, банк фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ҳамда унинг халқаро талаб ва тамойилларга мувофиқлигини таъминлаш.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

– банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини янада ошириш вазифалари: 1) Банкларни капиталлашувини ошириш. 2) Ресурсларини кўпайтириш. 3) Активлар сифатини яхшилаш. 4) Банк соҳасига сий капитални кенг жалб этиш;

– республика тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорати тизимини Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги талабларидан келиб чиққан ҳолда халқаро андозалар асосида миллиштириб бориш;

– мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр ва талаблар асосида баҳолаш амалиётини кенгайтириш ва ушбу талабларга эришиш тадбирларини амалга ошириш;

– иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга, қўллаб-қувватлаш ва модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янги жиҳозлашга йўналтирилган банк кредитлари ҳажминини янада кенгайтириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар бандлигини оширишга қўллаб-қувватланган бизнес-лойиҳаларни молиялаштиришга кредитлар ажратишнинг имконини ошириш;

– халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор талабларини ривожланишининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада кенгайтириш ишлари амалга оширилди.

Марказий банк монетар сиёсатини халқаро андозалар бўйича янги талабларга мослаштириш

Биринчидан, банк тизими барқарорлигини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар доирасида тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини халқаро

блар, жумладан, Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги
иялари асосида янада такомиллаштириш

Иккинчидан, Республика молия-банк тизими бухгалтерия ҳисоби
молиявий ҳисобот тизимини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро
дартларига (МХХС) тўлиқ мослаштириш

Учинчидан, тижорат банклари капиталлашув даражасини янада
ириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш ва диверсификациялаш

Тўртинчидан, тижорат банкларининг 1. Ишлаб чиқаришни
ернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, 2.
удларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш 3. Иш ўринларини
шил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш

- Бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
ъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2014 йилда
жорат банклари томонидан жами 7,5 трлн. сўм миқдорида кредитлар
ратилиши лозим.

- Олтинчидан, микромолиялаш соҳасини ва нобанк кредит
шилотлари фаолиятини самарали ривожлантириш

- Еттинчидан, Республика тижорат банклари ва банк-молия тизими
олиятини баҳолашда халқаро амалиётда қўлланиладиган меъёрлар,
езонлар ва андозаларни жорий этиш

- Саккизинчидан, банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар
урларини янада кенгайтириш

- Тўққизинчидан, банк менежменти соҳасида замонавий билим ва
ўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни
нада такомиллаштириш

- Ўнинчидан, банк-молия соҳасида ишбилармонлик муҳитини янада
иҳшилаш

- Ўнбиринчидан, банк фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини
янада такомиллаштириш

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКНИ МОНЕТАР СИЁСАТИНИ ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Марказий банкни пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари

Республика молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада урлаштириш ва барқарорлигини ошириш, банклар ва бутун молия-банк ими фаолиятига ёндашувларни ҳамда баҳолаш тизимини тубдан артириш, ҳамма томонидан қабул қилинган халқаро нормалар, ндартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банк фаолиятини ташкил шнинг янада юқорироқ даражасига **чиқишни таъминлашни асосий налишлари қуйидагилар бўлиши мумкин:**

Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, тижорат банкларини янада капиталлаштириш, ушбу соҳага хусусий капитални жалб этиш, ресурс базасини кўпайтириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини ошириш;

омонатчилар учун кафолатларни кучайтириш ва банк тизимига аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш, янги жозибали омонатлар ва депозитларни татбиқ этиш, кўрсатилаётган банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш йўли билан аҳоли ҳамда хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банк айланмасига кенг жалб этиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, **мезонлар ва стандартларга** асосланган ҳамда алоҳида банклар ва умуман банк тизимининг бутун дунёда қабул қилинган янада юксакроқ баҳолаш кўрсаткичлари даражасига чиқиш йўлидан олға силжиб боришини ҳолисона баҳолаш имконини берадиган тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш;

молия-банк фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада акомиллаштириш, замон талаблари ва халқаро нормалар ҳамда тандартларга мувофиқ ҳолда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва ўшимчалар киритиш ҳамда янги қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш;

тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари кенгайтирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш ва каттарни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, кредитлар бўйича муаммоли қарзларнинг ҳосил бўлишига йўл қўймаслик борасида олдини олиш чораларини кўриш йўли билан тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ўсиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлаш;

юбанк молия ташкилотлари, кредит уюшмалари, лизинг, суғурта ва аудиторлик компанияларининг ролини янада ошириш ҳамда гармоғини ривожлантириш, халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ уларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури ва кўламини кенгайтириш, молия бозори инфратузилмаси институтларини мустаҳкамлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни молиялаштиришнинг, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишнинг фоят муҳим воситаси сифатида микромолиялаш соҳаси ривожланишини рағбатлантириш;

тижорат банкларида ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг янгича ёндашувларини шакллантириш ҳамда замонавий технологиялари ва услубларини жорий қилиш, молия-банк ахбороти савияси ҳамда сифатини ошириш, етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари талабларига мувофиқ *ундан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш;*

республика тижорат банклари ва молия институтларини дунёда қабул қилинган стандартлар, услубиятлар ва баҳолаш кўрсаткичлари гизимида ишлай оладиган, профессионал тайёрланган юқори малакали

мутахассислар билан мустаҳкамлаш, молия-банк фаолияти соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш¹.

Молиявий инструментлар билан боғлиқ масалалардан бири Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати ва уни молиявий хизматлар бозорига таъсир этиш механизминини такомиллаштириш муаммосидир.

Марказий банк қайта молиялаш сиёсатининг хусусиятлари қуйидагилар:

Пул - кредит сиёсатида ҳал қилувчи ўрин тутади;

Пул - кредит сиёсатида таянч воситалари вазифасини бажаради;

Тижорат банкларнинг кредитлаш билан боғлиқ бўлган фаолиятини (тадбирларни) мажмуаси (йиғмаси) ҳисобланади.

Муомаладаги пул массасига таъсир этиш даражаси билан фарқланади;

Ушбу сиёсат қуйидаги уч хил кредитлаш усулидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади:

Биринчи усул. (ҳисоб ставкаси асосида) Тижорат банкларининг марказий банк томонидан уларнинг балансидаги тратталарнинг (векселлар, чек ва бошқа пул ҳужжатлари) қайта ҳисобга олиш йўли билан кредитлаш усули.

Ўзбекистонда миллий валютада эмиссия қилинган тратталар (векселлар, чек ва бошқа пул ҳужжатлари) муомаласи мавжуд эмас. Ушбу ҳолат марказий банк дисконт (вексельда) сиёсатини шакллантириш имконини бермайди. (Дисконт бу суммадан бир қисмини , хизмат ҳақини ажратиш).

Иккинчи усул. (ломбард ставкаси асосида) Тижорат банкларнинг марказий банк томонидан уларнинг балансидаги қимматли қоғозларни гаровга

¹2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор шартликлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.11.2010й. N ПҚ-1438 қарори.

ш йўли билан кредитлаш усули (ломбард кредити – ломбард фоиз ва каси).

Биринчи ҳолат 2011 йилнинг 31 декабр ҳолатига УзР тижорат банклари онидан юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг умумий **миқдори 38,9 млрд сўмни** ташкил қилди. Бу эса рнинг брутто активлари умумий миқдорининг атиги 0,6 фоизини ташкил ади.

Ушбу ҳолатдан қуйидаги хулоса қилиш мумкин. Тижорат банкларнинг ри ликвидли қимматбаҳо қоғозларга қилинган инвестициялар дорининг нисбатан жуда кичиклиги (0,6 %) Марказий банк томонидан иладиган марказлашган **Ломбард кредитларининг ҳажмини сезиларли яришга жиддий тарзда тўсқинлик қилмоқда** (қимматли қоғозни эвга қўйиб Ломбард кредитни олиш жараёни тез ва осон восита обланади).

Иккинчи ҳолат Тижорат банкларнинг 2011 йилда қилинган 38,9 млрд. (инвестициядан) юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган банк инвестицияларининг **4,8 млрд.сўми** Ўзбекистон Республикаси Марказий к облигацияларига **34,1 млрд.сўми** республика ҳукуматининг (молия ирлиги) облигацияларига қилинган инвестицияларга тўғри келади.

Мисол тариқасида Россия Федерацияси билан таққослаш мумкин. Россия Федерациясида 2011 йил 1 декабрь ҳолатига тижорат банкларнинг умуматнинг (молия вазирлиги) қимматбаҳо қоғозларга (облигацияга) қилган инвестицияларнинг умумий миқдори уларнинг брутто активларнинг миқдорининг 5,0 фоизини (Ўзбекистонда 0,5 фоиз) ташкил қилди (467 млрд. рубл) ва умумий инвестициялар миқдорида (816 млрд.рубл) улуши 57,3 фоизни ташкил қилди. Бу эса тижорат банкларининг марказлашган Ломбард кредитларни (қимматли қоғозларни гаровга қўйиб кредит олиш) олиш кониятини сезиларли даражада оширишга туртки бўлиши мумкин.

Учинчи усул. (Аниқ ставка асосида) Тижорат банкларини тўғридан - тўғри кредитлаш усули. Ушбу усулда берилган кредитларни шакли қуйидагилар:

- овердрафт кредита;
- муддатли кредит.

Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган муддатли кредитларнинг ҳажмини ошириш йўли билан миллий ссуда капиталлари бозорини ресурсларни ошириш муаммоси мавжудлиги қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчи хулоса. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 2007-2011 йиллар мобайнида марказлашган кредитларни портфел салмогига нисбатдан кам (1,6-3 %) миқдорда жалб этилган. Ушбу ҳолатни сабаби қуйидаги бўлиш мумкин: ҳукумат халқаро инвестицион кредитларнинг 95 фоизидан ортиқ қисмини Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали жалб этилган. Шу учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки марказлашган кредитларни катта миқдорда жалб этиш зарурияти юзага келмаган.

Ушбу ҳолат қуйидаги тенденцияга эга: 2011 йилнинг 31 декабр ҳолатига Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки орқали берилган кредитларнинг 52,9 фоизи хорижий банклар ва халқаро молия ташкилотларнинг кредитлари ҳисобидан берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2007 йилнинг 31 декабр ҳолатига 82,2 фоизни ташкил қилган эди.

Иккинчи хулоса: Асакабанкда ҳам марказлашган кредитлардан фаол тарзда фойдаланилмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. **Сабаб шундаки,** ушбу банкда хорижий банклардан олинган кредитлар ва ўзини регулятив капиталдан ресурс сифатида фойдаланиш кредит портфелида ҳиссаси юқори.

Ушбу ҳолат қуйидаги тенденцияга эга: 2007 йилнинг 31 декабр ҳолатига, хорижий банклардан олинган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоги 19,1 фоизни ташкил қилган бўлса, регулятив

капиталининг брутто кредитлар ҳажми 80,7 фоизни ташкил қилди. 2011 йилнинг 31 декабр ҳолатига мазкур кўрсаткичлар мос равишда 37,4 % ва 36,8 % ни ташкил этди.

Учинчи хулоса: 2007 - 2011 йиллар мобайнида марказлашган кредитларнинг нисбатан юқори салмоғи фақат 2 та банкда - Ўзсаноатқурилишбанки ва Ўзгаллабанкда мавжуд бўлган. **Сабаб шундаки:** ушбу банклар ҳукумат дастурлари асосида молиялаштирилаётган лойиҳаларни марказлашган ресурслар ва ҳукумат кафолати асосида молиялаштириш жараёнида иктисодий агент вазифасини ўтган.

Ушбу ҳолат қуйидаги тенденцияга эга: Ҳозирги кунда давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган пахта ва галлани етиштириш мақсадига берилаётган кредитларнинг асосий қисми молия вазирлиги ҳузуридаги томонидан молиялаштирилмоқда.

Тўртинчи хулоса: 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит кўйилмаларининг умумий миқдоридан атиги 2,0 фоизи Марказий банк кредитлари ҳисобидан берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келди.

Юқорида келтирилган хулосаларни умумийлаштириб қуйидагиларни келтириш мумкин:

- Марказлашган кредитларнинг республикамиз тижорат банклари кредит ресурсларининг умумий ҳажмида **жуда кичик** салмоқга эга;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги ва дисконт **сиёсатини шакллантириш имкони сустлиги;**
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Ломбард кредит **операцияларининг ривожланмаганлиги** (Марказий банкдан облигациялар эвазига тижорат банк томонидан кредит олиш);
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк қайта молиялаш сиёсатини такомиллашмаганлиги ва унинг муомаладаги пул массасини тартибга солишдаги аҳамиятининг **паст эканлигидан далолат беради.**

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларини кредитлаш ҳажмини ошириш йўли билан қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- Банк кредитларнинг фоиз **ставкаларининг даражасига** реал таъсир этиш механизми ишлаб чиқариш зарурлиги;
- Тижорат банк кредитларига бўлган талабларни рағбатлантириш;
- Тижорат **банкларнинг жорий** ликвидлилик даражасини сезиларли даражада оширишнинг зарурлиги;
- Пировард натижасида сўмнинг барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган иқтисодий муҳитни юзага келтириш:

Иқтисодчи олим М.Фридменнинг пул - кредит концепциясидаги қондаси қуйидагилар: Марказий банк қайта молиялаш сиёсати орқали тижорат банкларнинг кредит эмиссиясини рағбатлантириши муомаладаги пул массасининг кескин ошиши ва шунинг асосида инфляцияни кучайишига олиб келади.

Ушбу қоида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланишининг ҳозирги даврида ўз **исботини топмади** ва долзарб муаммо эканлигидан далолат беради. **Сабаб шундаки,** Ўзбекистонни миллий иқтисодиётининг банк кредитлари билан таъминланиш даражаси, **бошқа собиқ иттифок мамлакатларидан (МДХ) сезиларли даражада паст.**

Ўзбекистон Республикасидаги кредит бозори ва қайта молиялаш сиёсати билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечими қуйидагилар:

Биринчидан. Урта ва кичик тижорат банкларнинг кредит ресурслари таркибига Марказий банк марказлашган кредит ресурсларнинг ҳиссаси **(салмоғи) ниҳоятда кам.** Сабаб улар кичик корхоналарнинг жорий фаолиятини молиялаштираётганликлари билан изоҳланади. Натижада Марказий банк тижорат банкларни кредит эмиссия ҳажмига таъсири анча паст.

Иккинчидан. Бир йил муддатга берилаётган, марказлашган ресурслар ҳисобидан берилган ушбу кредитлар узок, муддатли ишлаб чиқариш даврига

эга бўлган корхоналар ва ишлаб чиқариш жараёни мавсумий характерга эга бўлган корхоналар томонидан қайтарилиши қийин яъни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш масала бўлиб қолади.

Марказлаштирилган кредит ресурсларининг узлуксиз пролангация қилиниши уларни амалда қайтариб олинмайдиган молиялаштиришга айланиб қолишига олиб келади.

Бунда қуйидаги тамойилни тавсия этиш мумкин. Ажратилаётган марказлашган маблаглар учун, албатта гаров ёки кафолат механизмини шакллантириш лозим.

Учинчидан. Ҳозирги кунда тижорат банкларнинг кредитларининг фоиз ставкаси Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаси билан тартибга солинмоқда.

Кредитларнинг фоиз ставкаларига лимит ўрнатиш (қайта молиялаштириш ставкалари орқали иқтисодий ислохотларини чуқурлаштиришга тўсқинлик қилади.

Ҳисоб фоиз ставкаси кредит ресурсларининг ҳаракатини тартибга солувчи энг асосий бозор воситаси ҳисобланади. Унга нисбатан лимит қўллаш кредит ресурслари бозорининг шаклланишига кучли салбий таъсир кўрсатади.

Кредитлаш лимитларини жорий қилиш (монетар сиёсатининг маъмурий мазмундаги воситаси) йўли билан (қайта молиялаштириш инструментини кенг қўламда фойдаланиш юзага келгунга қадар) пул массаси ва фоиз ставкаларининг кескин ўсишига барҳам бериш мумкин.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун қуйидагиларни тавсия этиш мумкин. Марказий банк қайта молиялаштириш сиёсати доирасида амалга ошираётган тадбирлари ичида марказлашган кредит ресурсларини **аукционлар орқали** сотиш муҳим ушбу масалада йўналишдир. Марказий банк кредит аукционни кредитларининг ҳолисона тақсимланишини кафолатлайди, кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифни ҳаққоний акс эттиради.

Тўртинчидан. Капиталларнинг давлатлараро эркин тарздаги ҳаракатлар таркибида мавжуд бўлган Марказий банк фоиз ставкасининг ўсиши бу мамлакатга хорижий мамлакатлардан вақтинчалик бўш валюта маблағларининг оқиб келишига (депозитлар) сабаб бўлади. Бу эса тўлов балансининг активлашувига ва миллий валюта курсининг кўтарилишига олиб келади. Ўзбекистон Марказий банки ушбу афзалликлардан фойдаланиши лозим.

2) Ўзбекистон республикасида Марказий банкнинг монетар сиёсатининг инструментлардан бири бу - мажбурий захиралар сиёсати.

Ушбу инструмент жаҳон банклари амалиётида тан олинган асосий усул ҳисобланади ва ундан фойдаланиш ҳар бир давлатда турлича бўлиши мумкин. Ўзбекистон тижорат банклари ўзини мажбурий захираларини Марказий банкида сақлайдилар. Марказий банкнинг пул - кредит сиёсатини тартибга солиш юзасидан мавжуд талабларга мувофиқ ушбу захираларни шаклланиши амалга оширади. Ўзбекистонда муомаладаги пул массасини тартибга солишда асосан мажбурий захиралар инструментида фойдаланади.

Мажбурий захираларни мазмуни бу - тижорат банкларнинг депозит операциялари натижасида вужудга келган банк ресурсларининг Марказий банкнинг фоизсиз ҳисоб рақамига ўтказиш ва сақланиш талабидир. Ушбу қоида асосида Марказий банк бевосита тижорат банкларнинг кредитлаш имкониятларини чегаралайди ва депозит эмиссиясини қисқартиради.

Мажбурий захиралар Марказий банкнинг инструментни кўрсатгичлари бўйича турли мамлакатлар ўртасида жиддий фарқлар мавжуд ва қуйидаги кўрсатгичлар орқали изоҳлаш мумкин:

- Мажбурий захиралардан пул - кредит сиёсатининг инструменти сифатида **фойдаланиш даражаси;**
- Мажбурий захиралар бўйича фоиз ҳисоблаш тартиби;
- Мажбурий захиралар **меъёрининг микдори** ва уларни табақалаштириш.

Юқорида келтирилган мажбурий захиралар кўрсаткичларни фарқланишига қуйидаги икки омилни таъсирланади:

- Миллий иқтисодиётни ривожлантириш хусусиятлари;
- Пул муомаласи соҳасидаги вазият.

Пул муомаласи соҳасидаги вазиятга мажбурий захиралар пул - кредит сиёсатининг инструмент сифатида ўзини қуйидаги функциялар орқали таъсир этиш мумкин:

- Банк тизимининг **ликвидлигига таъсир** этиш функцияси;
- Тижорат банкларининг **кредит** эмиссиясини **чеклаш** функцияси;
- Тижорат банки **банкрот** бўлганда, унинг мажбуриятлари бўйича ҳисоблашиш функцияси.

Марказий банкнинг мажбурий захиралар пул - кредит сиёсатининг инструменти сифатида амалга ошириши қуйидаги механизм орқали бўлиши мумкин.

Биринчидан, Марказий банк мажбурий захиралар миқдорини ўзгартириш йўли билан банк тизимининг ликвидлигига таъсир кила олади, яъни тижорат банкнинг молия ресурсларни кўпайиб кетган қисми мажбурий захиралар орқали **Марказий банкнинг ҳисоб рақамига** ўтказиб юборилади. Ушбу амал орқали тижорат банкнинг ликвидлилик даражаси анча пасаяди.

Иккинчидан, мажбурий захиралар миқдорини даражаси, тижорат банкларининг Марказий банк пулларига бўлган эҳтиёжини келтириб чиқаради. Тижорат банкни **пулга бўлган эҳтиёж миқдори** захира талаблари қўйиладиган мажбуриятлар суммасининг ўсишига боғлиқ бўлади, яъни Марказий банкнинг пулларига бўлган **тижорат банкларнинг барқарор талабнинг юзага келишига** олиб келади.

Мажбурий захираларни **минимал сезиларли даражада тебраниши** тижорат банкларни Марказий банкка **мурожаат қилишга** мажбур қилади ва шу билан пул - кредит сиёсатининг таъсир **механизмини кучайтиради.**

Ривожланган давлатлар тажрибаси (Германия, Франция) шуни кўрсатадики, Марказий банкнинг мажбурий захиралари банк тизимининг

ликвидлилигини таъминловчи восита сифатида эмас, балки тижорат банкларнинг кредит фаолиятини тартибга солиш воситаси сифатида кўпинча фойдаланмоқда, чунки мажбурий захираларни миқдорини минимал ўзгариши тижорат банкларнинг фаолиятига сезиларли даражада таъсир қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мажбурий захиралар миқдорини тез - тез ўзгартириши эътибордаги ҳол ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилар билан изоҳланади:

- Инфляция даражасини нисбатан юқорилиги;
- Халқ хўжалигини таркибий қайта қуриш билан боғлиқ чора тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида муомаладаги пул массасининг кўпайиб кетиши.

Ўзбекистон Республикасида **1995-2013 йиллар** мобайнида мажбурий захиралар миқдорлари **30 фоиздан то 15 фоизгача** ўзгартириб кетди. Лекин мажбурий захиралар миқдоридан юқорида қайд қилинган мақсадларда фойдаланишга мутлақо зарурат йўқ. Сабаб, мамлакатимизда инфляция даражаси юқори эмас ва пул массасини кўпайиб кетиши ишлаб чиқаришни ўсиши билан боғлиқ.

Бошқа томондан республикаимизда жорий ҳисобрақамларидаги **чет эл валюталарига** нисбатан мажбурий захира талабномаси қўлланилмайди.

Ушбу сиёсатни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- Миллий валюта курсининг АҚШ долларга ва бошқа эркин алмашинувчи валюталарга нисбатан пастлиги;
- Банк тизимининг етарли даражада чет эл валюта захираларига эга эмаслиги;
- Давлатимизда эркин алмашинувчи валюталарга бўлган талабнинг юқорилиги;
- Аҳоли қўлидаги чет эл валюталарини омонат ҳисоб рақамларига тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш ҳисобидан банкларга жалб

қилиш зарурлиги.

Яна бир муаммо бу - Марказий банкнинг валюта сиёсати орқали пул ссасига керакли даражада таъсир эта олиш имконияти мавжуд эмаслиги. Сабаб, қимматли қоғозлар бозори, ссуда капиталлари бозори заиф вожлангани. **Ушбу шароитда мажбурий захиралар пул** - кредит ёсатининг энг асосий ва таъсирчан инструменти сифатида ўзини афзаллигини кўрсатиши мумкин.

Марказий банкнинг мажбурий захираларни инструмент сифатида яна бир афзаллигим афзаллиги шундаким, у **банк тизимининг барқарорлигини таъминлайди**. Ушбу қарор банк миқдорларни банк тизимига бўлган таъсирини мустақамлайди ва банк ривожланишини **гаровидир**.

Инфляция суръатининг ўсиши кўпчилик ҳолларда мажбурий захиралар меъёрининг ошишига олиб келади. Масалан, Италия ва Францияда мажбурий захиралар меъёрининг нисбатан юкорилиги эканлигига қараб инфляция даражасини нисбатан юкорилиги. **АҚШда 70 - йилларнинг 60-йилларида инфляция даражасининг 13 фоизга етиши**, мажбурий захира алабномалари меъёрининг **18 фоизгача** ошишига олиб келди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мажбурий захиралар меъёрини **кескин пасайтириш самара бермайди**. Ушбу зарарликни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- Республикамиз иқтисодиётини таркибий қайта қуриш жараёни муомаладаги **пул массасига бўлган талабни оширади**;
- Тайёр маҳсулотларни сезиларли миқдорда четдан келтиришга қарши чора - тадбирлар ишлаб чиқариш ва **ушбулар инфляцияга қарши қаратилган бўлиши керак**;
- Пул базаси ва унинг динамикаси, банк кредитлар ва фоиз ставкаларига Марказий банкнинг мажбурий захираларини миқдори қай даражада таъсир этаётганлигини тўғри ва яққол аниқлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йилда мажбурий захиралар даражасини 2 пунктга кўтарилди, яъни 15 фоиз этиб белгилади. Сабаб,

публикамизда депозит маблағларнинг асосий қисмини муддатсиз ва қисқа муддатли депозит ҳисоб - рақамларидаги маблағлар ташкил қилмоқда.

Тижорат банкларни **ликвидлиги** - узоқ муддатли депозит маблағлари пайиши ҳисобидан **ошади** ва бу уз навбатида **мажбурий захиралар миқдорини камайишига сабаб бўлади.**

Марказий банкни мажбурий захираларини яна бир муаммоси, **бу мажбурий захираларни миқдорини табақалаштириш** ва уларни банк ва банк тизими учун самарадорлиги.

Тул айланмасини оптималлаштиришни воситалардан бири - **бу мажбурий захираларни миқдори мажбуриятларнинг суммаси ва муддатига қараб табақалаштириш.** Агар мажбуриятлар суммаси қанчалик катта ва муддати узоқ (қисқа муддатли омонатлар) бўлса, **мажбурий захираларни фоиз даражаси шунча юқори ўрнатилиши керак.** Ушбу ёндашув асосида уйдаги икки муҳим муаммони ҳал этиш мумкин:

Банкларни юридик шахе мақомига эга бўлган мижозларини **маблағларни** муддатли депозит ҳисоб рақамларига **жалб қилиш учун қарант юзага келади.** Бу эса, ўз навбатида ссуда капитал бозорини тивожланишига ижобий таъсир килади;

Қисқа муддатли депозитларни улуши ва суммаси оширилган ҳолда тўланадиган мажбурий захиралар миқдорини ошириш йўли билан, тул массасига қисқа муддатли ораликларда кескин таъсир қилиш ва тул маблағларни ҳаракатини ўсишини чеклаш мумкин.

Марказий банкнинг мажбурий резервлар миқдорини оптимал даражасини ташкил қилиш билан икки муаммони ҳал қилиш мумкин:

- Банк тизимининг оптимал ликвидлилик даражасини таъминлаш;
- Маълум даражада **жамғармачилар манфаатларини** (омонатини) ҳимоялаш. (Ушбу мажбурий захиралар тижорат банкига унинг фаолияти тугатилганидан кейин кайтарилиши мумкин. Бу маблағ банк мажбуриятларини қоплаш мақсадида ишлатилади ва мижозни банкга нисбатан ишончини юксалтиради).

Марказий банкнинг мажбурий захиралар миқдоридан икки усул сифатида фойдаланиш мумкин:

- **Иқтисодий усул** сифатида муомаладаги пул массасини чеклаш орқали пул бирлигининг харид қувватини мустаҳкамлашга хизмат қилади, банк ликвидлигини таъминлайди. Мажбурий захиралар меъёрининг даражаси қанчалик кичик бўлса, муомаладаги пул массасининг ўсиши шунчалик сезиларли бўлади ва пул массасини ўсишини назорат қилиш Марказий банк томонидан заифлашаётганлигини билдиради.
- **Маъмурий усул** сифатида тижорат банклари кредит ресурсларининг (30 фоизгача камайтиради) камайишига сабаб бўлади ва банк манфаатларига тўла мос келмайди, чунки улар жалб қилинган депозитларнинг таркибидан қатъий назар миқдорларга депозит бўйича фоизлар тўлайди. **Истисно тариқасида баъзи** ривожланган давлатларда ушбу усулнинг маъмурий томонини салбий томонини камайтириш мақсадида банкни мажбурий захиралари учун фоизлар тўланади. (Италия, Испания)

Мажбурий захираларнинг Марказий банк томонидан пул массасини назорат қилиш даражасига таъсирини мультипликация (пул агрегатлари шаклида) жараёни орқали амалга оширилади. Мультипликациялашув даражаси мажбурий захиралар меъёрининг миқдорига боғлиқдир. Марказий банк пуллар таклифига сезиларли даражада таъсир қилиш имкониятига эга, яъни барча пуллар миқдорини оширмоқчи бўлса, захиралар талабномасини қисқартиради ва аксинча, пуллар миқдорини оширмоқчи бўлса, захиралар талабномасининг миқдорини оширади.

Хулоса қилиб шунни таъкидлаш жоизки, Марказий банкнинг мажбурий захиралар сиёсатининг самарадорлиги тижорат банкларининг ўз миқдорларига сервис хизмат кўрсатиш сифати, қулайлигига ва тезкорлигига таъсир қилади, яъни миқдор банкни оптимал кредит, депозит ва ликвидлилик сиёсатини захиралар талабномаси жараёнида амалга ошириши орқали банк хизматида бўлган ўз эҳтиёжларини қондира олади.

**3) Ўзбекистан Республикаси Марказий банк монетар сиёсатининг
инструментлардан бири бу - очик бозордаги сиёсатдир.**

Марказий банк – очик бозордаги сиёсати икки усули:

Банкларни кредит ресурс кўпайиши мақсад бўлса Марказий банк қимматли қоғоз сотиб олади.

Банкларни кредит ресурс камайиши мақсад бўлса Марказий банк қимматли қоғозни сотади (сотувчи бўлади).

Молиявий инструментлар билан боғлиқ масалалардан бири Марказий банкнинг очик бозордаги сиёсати ва уни молиявий хизматлар бозорига таъсир ш механизмини такомиллаштириш муаммосидир.

Марказий банкнинг очик бозор сиёсати деганда, Марказий банк монидан қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларни сотиб олиниши и сотилиши тушунилади.

Марказий банкларнинг очик бозор операцияларида олди-сотди ъекти сифатида қуйидаги қимматли қоғозлар киради:

- Ҳазина векселлари
- Ҳукумат облигациялари (мажбуриятлари)
- Ҳукумат ўрта ва узок муддатли хазина мажбуриятлари
- Корпоратив облигациялар (банклар ва корхоналар облигациялари)
- Тижорат банкларнинг депозит сертификати (гувоҳномаси)
- Корхоналарнинг тижорат векселлари

Молиявий бозорни турлари қуйидагилар бўлиш

умкин:

- Пул ресурслари бозори
- Капитал ресурслари бозори
- Кредит ресурслари бозори

Қимматли қоғозларни молия бозорларни турларига тегишлиги уйидагилар:

1. Бир қисми пул бозорига тегишли. Ҳазина векселлари пул

зорини инструменти ҳисобланади.

2. Бир қисми капитал бозорига тегишли. Корпоратив облигациялар, ҳукумат облигациялари капитал бозорига тегишли.

3. Бир қисми кредит бозорига тегишли. **АҚШ, ГФР, Буюк Британия** ва **Францияда** ҳукуматнинг қимматли қоғозларини бевосита ҳукуматнинг бандидан сотиб олиш давлат бюджети харажатларини Марказий банк эмонидан кредитланиши ҳисобланади. Баъзи ҳолларда ушбу операция очик озор операцияси ҳисобланмайди, балки кредит операцияси ҳисобланади.

Марказий банк, очик бозор сиёсатини амалга оширишда мамлакат банк тизимининг пул захираларига икки усул билан таъсир этиши мумкин.

Биринчи усул. Агар Марказий банк тижорат банкларнинг ликвидлигини ошириши миллий валютадаги пулларнинг таклифини оширишини мақсад қилиб олган бўлса, у ҳолда Марказий банк бозорда қимматли қоғозларни сотиб олувчи бўлиб иштирок этади.

Амалга ошириш механизми куйидаги тарзда бўлиши мумкин: Марказий банк қимматли қоғозларни белгиланган курс ўрнатиши ва курс шу белгиланган даражага етиши билан таклиф қилинган барча қимматли қоғозларни сотиб олиш мумкин. Марказий банк, таклиф этилган пайтдаги курснинг қандай бўлишидан қатъий назар, маълум турдаги қимматли қоғозларни сотиб олиш микдорини белгилаши мумкин.

Ушбу операцияларни ўтказгандан кейин куйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- Тижорат банкларнинг мазкур қимматли қоғозларга қизиқиши камаяди.
- Уларнинг кредитлаш салоҳиятини кўтаради.
- Кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасаишига олиб келади.

Иккинчи усул. Агар Марказий банк миллий банк тизимидаги ортиқча ликвидликни камайтиришни мақсад қилиб олган бўлса, у ҳолда, Марказий банк қимматли қоғозлар бозорида сотувчи бўлиб иштирок этади.

Амалга ошириш механизми куйидаги тарзда бўлиши мумкин: Марказий банк маълум курсини эълон қилиши ва қимматли қоғозларнинг урсини эълон қилинган даража этиши билан исталган миқдордаги қимматли қоғозни сотиш мажбуриятини олиши мумкин. Марказий банк қўшимча тарзда маълум миқдордаги қимматли қоғозни сотиш мажбуриятини олиши мумкин. (инвестицион жозибаторлигини ошириш асосида, яъне фоиз ставкасини ошириш асосида қимматли қоғозлардан келадиган даромадлар ошади).

Ушбу операцияларни ўтказгандан кейин куйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- Тижорат банкларнинг мазкур қимматли қоғозларга бўлган қизиқиши кучаяди (инвестицион жозибаторлиги).
- Уларнинг кредитлаш салоҳияти пасаяди.
- Кредитларнинг фоиз ставкаларининг ошишига олиб келади.

Ўзбекистон шароитида Марказий банк очик бозордаги сиёсатини хусусияти куйидагилар бўлиши мумкин.

Марказий банкнинг очик бозор операцияларида олди-сотди объекти бўлиб куйидаги қимматбаҳо қоғози бўлиш мумкин:

- Ҳукуматнинг қисқа муддатли облигациялари ва ўрта муддатли хазина мажбуриятлари хизмат қилади;
- Марказий банк облигациялари хизмат қилади.

Ушбу операцияларни ўтказишдан кейин куйидаги натижаларга эришиш мумкин: Марказий банк облигациялари тижорат банкларнинг вакиллик ҳисоб рақамларидаги ликвидликнинг маълум қисмини олиб қўйиш мақсадида эмиссия қилинади.

Марказий банкни мавжуд очик бозордаги рақамларни таҳлил қилиб ва баҳо бериб куйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Хулоса, Ўзбекистон ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларининг брутто активлари ҳажмидаги салмоғи жуда пастлигини аниқладик (0,6 фоиз). Бундан ташқари, **2005 йилдан бошлаб** ушбу кўрсаткич пасайиш суръатига эгаллигини кўриш мумкин.

